

Аллоҳдан қўрқинглар



08:00 / 20.05.2020 1766

Абу Абдурахмон Умарий Зоҳиддан ривоят қилинади: «Абу Тувола Абдурахмон ибн Абдуллоҳ вафоти олдидан фарзандларини тўплаб, шундай деди: «Ўғилларим, Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ таолодан қўрқсаларингиз, сизлар учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман. Аллоҳдан қўрқмасангиз, бошингизга қандай бало ёғдирса ҳам парво қилмайман».

Ибн Абу Увайс айтади: «Имом Молик бир неча кун касал бўлиб ётди. Баъзи дўстларимиз имом Моликнинг ўлим вақтида нима деганини сўрашди. У зот шаҳодат калимасини айтиб кейин **«Олдин ҳам, кейин ҳам иш Аллоҳникидир»** (Рум сураси, 4-оят) оятини ўқиганини айтишди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан

